



АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДАГИ ЎРНИ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20676825>

Абдуқодир Ҳайитметов илм, иқтидор, тафаккур куч-қуввати билан энг эътиборли унвон ва мукофотларни қўлга киритишга мушарраф бўлган забардаст устозлардандир. Шу маънода мустақилликдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олимнинг “Буюк хизматлари учун” орденига лойиқ кўрилиши бунинг ёрқин далилидир. Чунки Абдуқодир Ҳайитметов илм-фанда, айниқса, навоийшуносликда заҳматқашлик, зукколик, фидойилик тимсолига айланганини у кишининг таржимаи ҳоли ва илм йўли ҳам тўла тасдиқлайди.

Домла бундан роппа-роса тўқсон йил муқаддам Кўкон шаҳри этагидаги Данғара туманининг Қиёлиқум қишлоғида туғилган. Ҳаётнинг шафқатсиз синовларига анча эрта юзлашган Абдуқодир ака болалигида Тошкентнинг Қорасувида ўрнашиб, шу жойдаги ўрта мактабда таҳсил олиш давомида турмуш машаққатлари ва тақдир қийинчиликларини енгишга қодир ҳалим-ҳазмли йигит сифатида шаклланган. Бу воқеа-ҳодисалар унинг ёзувчилик истеъдодининг маҳсули бўлиши айрим насрий асарларида ҳам ўзининг жонли ифодасини топган.

Абдуқодир ака 1944 йил САГУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг Шарқ факультетига ўқишга кириб, уни муваффақият билан тугатгач, аспирантурага ҳужжат топширади. Шу тариқа бўлажак олим ҳаётида илмда изланиш, фикрда илгарилаш даври бошланади. Аспирантурадан сўнг 1953 йили ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтида меҳнат фаолиятини бошлаб, умрининг охиригача шу илмий даргоҳда ҳормай-толмай меҳнат қилган. 1967 йилдан 1998 йилгача ўзбек мумтоз адабиёти, кейин эса Навоий бўлимини бошқарган. Шу давр мобайнида узоқ асрлик ўзбек адабиётини тадқиқ этиш сифат эътибори билан янги поғонага кўтарилди. Абдуқодир Ҳайитметов илмий раҳбарлигида беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” яратилиб, 1976–1980 йиллар оралиғида кенг ўқувчилар оммасига етказилди. 1987–1989 йилларда эса “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг рус тилидаги икки жилдлиги нашр этилди. Домла бошлиқ бир гуруҳ олимлар ушбу китоб учун 1992 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Бу мукофотга у биринчи марта 1970 йили



Москвада чиқарилган “История узбекской литературы” (1967) китобининг муаллифларидан бири сифатида мушарраф бўлган эди.

Навоийшунослик фани шаклланиб, ривож топиб, XX аср ўнлаб атоқли навоийшуносларни вояга етказганлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Худди шунингдек, бошқа ижтимоий фан соҳалари сингари навоийшунослик борасида ҳамда унинг қатор вакиллари ҳақида баён этилган мактов гаплар, юксак эътирофлар замон зайлига қараб айтилганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Лекин нималар кечганлиги ва улар қай мезонда баҳоланганидан қатъи назар, XX аср аталмиш мухташам, зиддиятли ва шафқатсиз МАНЗИЛда яшаб, навоийшунослик равнақиға умрини бағишлаган фидойи олимларнинг тадқиқот ва асарларини ўқиб-ўрганиб бир неча авлод вояға етди. Абдуқодир Ҳайитметов шу устодлардан бири – хоксор ва жавонмардидир.

А.Ҳайитметовнинг серқирра илмий меросида ҳам эскирган ёхуд долзарблиги ва аҳамияти сусайган жиҳатлар бор, албатта. Ҳаммадан кўра буни домланинг ўзи яхши билган ва муҳокамадан ҳам ўтказган. Чунки бирор- бир адабиётшунос ва мунаққиднинг бисотида шўро давлати сиёсати ва мафқураси таъсир кўрсатмаган китоб ё монография деярли топилмайди. Аммо Навоий шахсиятига бошданок Ҳайитметов чин ихлос билан боғлангани, Навоийнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини буюк санъаткорнинг ўз ижод намуналари кўзгусида кашф қилишга бел боғлагани боис умри қисқа ва сохта фикр-мулоҳазалар унинг асарларидан кенг жой ишғол этолмаган.

Бизнинг назаримизда, Абдуқодир Ҳайитметовнинг улкан кўламдаги навоийшунослик фаолияти “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзуидаги номзодлик диссертациясидан бошланганлиги жуда тўғри бўлган. Зеро, Шарқ мумтоз адабиётининг ўзига хос ғоявий-эстетик талаблари, дахлсиз қонун-қоидалари, бетакрор бадиий оламини тўғри ва пухта мушоҳада қилмай илмда эътиборли бир натижаға эришишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Ана шу муаммо муваффақият билан ҳал этилмаганда орадан унча кўп вақт ўтмай “Навоий лирикаси” монографияси кўпчилик ҳукмиға ҳавола этилмасди. Мазкур асар Навоий шеъриятини кенг пландаги тадқиқи жиҳатидангина эмас, балки ўша давр навоийшунослигининг умумий савияси, ютуқ ва нуқсонлари, унга рус адабиётшунослигининг таъсири сингариларни англаш нуқтаи назаридан ҳам диққатға лойиқдир.

Олимни ҳам тенгдош ва сафдошлари ўзгаларға нисбатан яхшироқ билишади. Академик Азиз Қаюмовнинг ёзишича, “Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўрнак бўладиган бир сифати бор. У муваффақиятлардан қаттиқ қувониб



кетмайди, муваффақиятсизлик юз берса, гангиб қолмайди. У ҳар доим ижод шуури билан тўла, меҳнат билан банд. Шунинг учун уни доимо мувозанатда кўрасиз”¹. Дарҳақиқат, ҳеч ким Ҳайитметовда ахлоқий-маънавий мувозанатсизлик, жаҳл ва ожизликдан туғилажак жонсараклик ёки ҳовлиқмаликни ҳеч қачон кўрмаган. Чунки, домлада муҳимдан номуҳимни, кераклидан кераксизни, китобийдан ҳаётини ажратиш туйғуси юқори эди.

Ҳайитметовнинг мустақилликдан кейинги дин, тасаввуф, адабиётда халқчиллик, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби мавзуларда ёзган мақолаларини ўқиб, замон эркин фикрлашга имкон берганида унинг ижод методига бағишланган тадқиқотлари тубдан бошқача ёзилишига ҳеч шубҳаланмайсиз. Бу ҳам чин олимларнинг ишларига хос сирли бир хусусиятдир. Гоҳо шундай бўладики, қанчадан-қанча мақолалар газета ёки журналларга етиб борар-бормас мадори қуриб, адойи тамом бўлади. Бундай чалажон ёки жонсиз нарсалар жамлаб чиқарилганда эса тўплам уларнинг совуқ қабрига айланади. Бошқача айтганда, уларга ўқувчи билан жонли алоқа ўрнатишга на матбуот, на нашриёт, на таниш-билиш ёрдам бера олади. Абдуқодир Ҳайитметовдан ўнга яқин мақолалар тўплами ёдгор қолди. Шулардан учтаси – “Навоийхонлик суҳбатлари” (1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (1996), “Адабий меросимиз уфқлари” (1997) мустақиллик даврининг маҳсуллари дир. Умуман, Ҳайитметовнинг қайси тўплами қўлга олинмасин, улардаги мақолалар ё мавзу ва муаммонинг муҳимлиги ёки факт ва маълумотларнинг бойлиги ёинки тадқиқ ва таҳлил усулларининг ҳаққонийлиги билан ўқувчини албатта қаноатлантиради. Шунинг учун уларнинг бирлари Москва ва Ленинградда, яна бирлари Туркия ва Озарбайжонда, бошқа бирлари эса Тожикистон ва Қозоғистонда турли тилларда чоп қилинган.

Яна бир мулоҳаза. Ҳайитметов форс-тожик адабиётини туркий адабиёт билан қарийб тенг биладиган, Навоийнинг форсий шеърятдаги салафларига муносабатини ҳам, адабий таъсир масалаларини ҳам илмий-таҳлилий теранликда ёритишга қодир тадқиқотчилардан эди. Форс-тожик адабиёти ва Навоий адабий мероси мавзуида эркин қалам тебрата оладиган ёш навоийшуносларнинг сони кейинги йилларда сийраклашиб қолди. Бизнингча, ушбу мавзуга диққат-этиборнинг тикланишида Ҳайитметовнинг Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Абдурахмон Жомий, Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий каби санъаткорларга бағишланган тадқиқот-мақолалари яқиндан ёрдам бериши муқаррар.

¹ Қ а ю м о в А. Навоийдан нур олиб. Тошкент. 2001. 25-бет.



Илҳомланиш салоҳиятига соҳиб бўлгани учун Ҳайитметов бошқаларни ҳам илҳомлантира оларди.

Домланинг маслаҳати ва назорати билан бўлимда “Навоий ва ижод сабоқлари”, “Навоий “Хамса”си”, “Навоийнинг ижод олами” сингари бир неча илмий тўпламни нашрга тайёрлаб, чоп эттиргандик. Айниқса, “Хамса”га бағишланган мақолаларни танлаш сал қийинроқ кечганди. Ўшанда шогирдларидан бирининг мақоласи бўшроқ эканини айтганимизда, домла: “Эгасига қайтаринг уни... Ёзишни ўргансин...” – деганлари ҳамон ёдимда. Хоҳ тўпламда чиқсин, хоҳ “Ўзбек тили ва адабиёти”да босилсин, Ҳайитметовнинг бирор-бир мақолага юзаки қарагани ёки мутахассислик маслағига қарши борганини мен эслолмайман.

Ҳамма жойда, зиммасига юклатилган ҳар қандай ишда Ҳайитметов ўрناق эди. Мана, Навоийга бағишлаб ўтказиладиган анъанавий конференцияни олайлик. Бу анжуманни ташкил этиш ва унга қатнашиш Ҳайитметов учун 9 февралдан камида икки-уч ой олдин бошланар, у ёки бу мавзу махсус тайёргарлик билан ёритилмаса, домла минбарга чиқмаслигига кўпчилик кўникиб қолган эди. Унинг азбаройи талабчанлиги, қатъиятлилиги ва халтурачиликка мурасасизлиги туфайли ҳамма ҳам конференция минбарига чиқишга лойиқ кўрилмасди.

Одам таниш, ким билан қандай муомалада бўлиш малакаси домлада яхши шаклланган эди. Сиртдан бошқа, ичдан бутунлай бошқа кимсаларни Ҳайитметов ўзига яқин йўлатмасликка уринган. Шундай зотлардан бир нечасини биз домланинг уларга муносабатига қараб яхши таниганмиз.

Абдуқодир Ҳайитметов фақат илмий тажрибасидан эмас, балки шахсиятидан ҳам кўп нарса ўрганиб, ибрат оладиган аллома эди. У кишининг камтарлиги, билағон ва донишмандлигига тан бермасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Уни бунга, буни унга қайраб юрадиган ўйинчи бир олим ҳақида ажабланиб сўзлашганда домла ўрисчалаб “Род неблагородный” деб, ўша кимсага тўппа-тўғри ташхис қўйганди. Ташқи тақриз учун бўлимга келган бир докторлик диссертацияси устоз олимларга маъқул келмади. Ва муҳокамада ҳеч нима хаспўшланмай очик айтилди. Диссертант эса гапни у ёнга айлантириб, бу ёнга бураб, безрайиб тураверди. Мажлис тугагач, Ҳайитметов: “Бу бола юзсизлик ва фирромликни бешикда ўрганган”, – дедилар. Орадан икки ой ўтди ёки ўтмади, шу фикр юз фоиз, ҳатто ортиғи билан тасдиқланди. Одамшуносликда домланинг ана шунақа зукколиклари бор эди.

Ҳайитметов қатор китобларига менга дастхат ёзиб берганлар. Лекин сўнгги китобларига битилган “Қимматли ва азиз укам, қадрдоним, катта адабиётшунос

“FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI”

respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Иброҳимжон Ҳаққуловга энг яхши тилаклар билан муаллифдан” деган дастхатларининг ҳар бир ҳарфи мен учун қадрлидир. Умуман, ҳар доим Ҳайитметовни хотирлаш ва қадрлаш бўлимимизда одатга айланган. Бу йил ниҳоясига етаётган икки жилдлик “Навоий қомуси”нинг пешвоси ўлароқ эсланиб, таяниб келинаётган асосий шахс ҳам Ҳайитметовдир.

Бир ҳақиқатга менинг ишончим комил. Агар Ҳайитметов домла ҳозир тирик бўлганида, мана шу қадрдон илм даргоҳи, мана шу жонажон институти тақдиридаги янгиланишдан беҳад қувонар ва унинг манфаатига зид ҳеч бир уринишга асло ён бермаганидек, у соҳилдан-бу соҳилга сакрашни ҳаёлига ҳам келтиролмасди. Мана ёшларга устоз навоийшуносдан қандай ихлос ва садоқат туйғуси мерос қолган.

Шахсиятсиз маълумотнавислик авж олиб, янги фикрдан маҳрум нусхакашлик илмда кундан-кунга тармоқ ёзиб бораётган бир вазиятда Абдуқодир Ҳайитметовнинг камтар, сунъийликдан фориғ файзли ҳаёти ва фақат илму ирфондан зийнат топган олимлик тажрибасидаги энг ибратли жиҳатларни яхши ўқиб-ўзлаштириш адабиётшунослик, айниқса, навоийшунослик равнақиға алоҳида таъсир ўтказиши шубҳасиздир.